

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда, фуқаролик жамияти сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўққинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

Биринчидан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизми йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмапти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермапти;

Учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонвий гояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

Тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион гояларни тақлиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмапти;

Давоми 2-бетда ➡



БИР АСР ҲИКМАТИ

Вилоят ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, касабаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, касабаси уюшмаси, Ёшлар иттифоқи бўлимлари вакилларида иборат гуруҳ аъзолари Чирчиқ шаҳрининг "Иқбол", "Муруват", "Ёшлик" маҳаллаларидаги уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилаётган хонадонларда бўлишди.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида 15 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва 178 нафар фронт орти фахрийлари яшайди. Шаҳарнинг "Иқбол" маҳалласида яшовчи Зубайдулла Тошматов бу йил табаррук 101 ёшини қаршилади. Бугунги кунда Зубайдулла ота 7 нафар фарзанд, 21 нафар набира, 45 нафар абира ва 2 нафар чевараси билан умргузаронлик қилмоқда. Отахон уруш йиллари Украина ва Европа давлатлари ҳудудларида душманга қарши мардонавор жанг қилди, уйига соғомон қайтгач, узоқ йиллар Ватанимиз ривожига йўлида фидокорона меҳнат қилди.

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

ЯХШИЛИК ДУНЁНИ АСРАЙДИ

Инсон бу ҳаётга бахтли-саодатли умр кечириш учун келади. Кексаларимиз ҳар бир каломни соғлиқ-омонлик тилашдан бошлашларининг ҳам ҳикмати бекиёс: агар соғлиқ бўлмаса, ўша бахту-саодатнинг оstonасига ҳам етиб бориш қийин. "Тўрт мучаси соғ", "Палаги тоза" халқ бўлиш учун эса болажонлар туғилмасидан олдин ҳаракатни бошлаш, яъни, бўлғуси оналар саломатлигини муҳофаза қилиш керак.

Элга хизмат – олий ҳиммат

Мамлакатимизда бу борадаги сай-ҳаракатлар анча олдин бошланган бўлса-да, унинг самаралари яқин йиллардан бўй кўрсати. Бунда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг муносиб хиссаси бор.

Бундан 25 йил муқаддам жамиятнинг таянчи бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётини қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёж, унинг назарга эга бўлган маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, жисмоний соғлом, баркамол шахсни шакллантириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш мақсадига "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ташкил этилган эди. Бу эзу ният йўлида амалга оширилган ишларда сўзсиз инсон омилли устувор бўлди. Давлат-

нинг она ва бола соғлигини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни вояга етказиш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий дастурлари ижроси, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масалалари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, энг аввало, кўп болали оилалар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Муруват" интернат уйлари, иттиҳослаштирилган таълим муассасаларида яшовчи шахсларга муруват ёрдами кўрсатиш каби вазифалар мазкур фонд ходимлари томонидан мунтазам бажариб келинди.

Вилоятимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республи-

касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифалар асосида қўламли ишлар олиб борилмоқда.

"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича вазифаларнинг бажарилиши, тиббий-ижтимоий патронаж тизими ходимларининг фаолияти ҳақида "Соғлом авлод учун" хайрия фонди виллоят филиали мутахассиси Раъно Абдураззоқова сўзлаб берди:

– Ташкилотимиз ўз номи билан эл-юрт, келажак авлод саломатлиги йўлидаги барча сай-ҳаракатларга дахлдорлик масъулияти билан фаолият олиб боради. – дейди у. – Мақсад, соғлом авлод, баркамол шахс, она ва бола соғлиги муҳофазаси, асосийси, аҳолининг имконияти чекланган, кўмакка муҳтож қатламларига, энг чекка қишлоқлар аҳолисига ҳар томонлама тиббий, маънавий, моддий ёрдам кўрсатиш. Бу борада, тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда ➡



«ЎНТА ҚҲЙ НИМА БҮЛАДИ?»

дейдиган Ойпошша холаларнинг даври ўтди

Орзу-хавас билан яшайдиган халқимиз. Умримиз мазмунини фарзандларимиз қувончи, бахту саодати билан боғлаймиз. "Тоғанимиз тўйларга буюрсин", деб ният қиламиз. Шоирларимиз: "Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушин, тўйлар қилиб елкасидан тоғ тушин", деб ёзадилар. Шу ниятда элга дастурхон ёзамиз, чор тарафдан меҳмон чорлаймиз.

Яна тўйлар ҳақида...

Майли. Тўйлар қилиб чарчамайлик. Биз қилган тўйлар маҳаллада дув-даг гап ҳам бўлақолсин. Фақат... бу тўйлар тайин-тутуриксиз дабдабаси, уч пулга қиммат, энсакотар бидъатлари билан эмас, юксак маърифати, камтарона фойзи, энг муҳими, бир-бирига тақдир ришталари билан боғланган ёшларнинг самимий аҳду вафоси билан тилга тушин. Чунки, бахтнинг ҳам асли бор, акси бор. Инсон бахтга "кимўзарлик" билан эмас, пок ниятлар, эзгу амаллар билан эришади. Бинобарин, Яратган бахтни дабдабага қараб эмас, ниятга қараб улашади...

Бу мулоҳазалар куни кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтқа-

зилишини тартибга солиш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг йиғилишида иштирок этган кўпчилиكنинг фикри эддини ёритиб ўтган бўлса, ажабмас.

Очик мулоқот кўринишини олган анжуманда вилоятдаги масалага тааллуқли давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, Ёшлар иттифоқи, ўзини-ўзи бошқариш идоралари масъуллари, кўпни кўрган нурунийлар, ёшлар, шунингдек, тўй ва маросимларда хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Зайниддин Низамходжаев, Маданият

вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков ва бошқалар ўз сўзида бугунги тўйларимиздаги дабдабозликлар, ҳадидан ошишлар жамиятда турли кўнгилсизликларни келтириб чиқараётгани, тўй хурсандчиликлари эмас, исрофгарчилик ўчоғи, оиладаги нотинчлик, дилхиралликлар, қарзга ботишларнинг асл сабабчиси бўлиб қолаётганини афсус билан қайд этдилар. Президентимизнинг тўйларни ихчамлаштириш борасидаги фикрлари, шу асосда олиб борилаётган сай-ҳаракатлар жойларда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланганлигини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 30 мартдаги ўн тўртинчи қўлиш асосида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга доир Низом лойиҳаси ишлаб чиқилгани,

ҳудудий ишчи гуруҳлар жойларда мазкур лойиҳа билан кенг жамоатчиликни таништириш, лозим ўринларда Низомни реал, мантикий асосга эга тақлиф ва мулоҳазалар билан бойитишга амалий хисса қўишлари лозимлигига урғу қаратилди. Шунингдек, ишлаб чиқилаётган ҳудудий Низомларда ҳар бир воҳанинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олиниши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳудуди шу масала юзасидан вилоят ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди ва гуруҳ зиммасига белгиланган муддатларда аҳолининг фикр-мулоҳазаларини чуқур ўрганиш ва тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш, жойларда мавзуга доир муҳокамалар ташкил этиш, масала моҳиятини ҳудудий матбуотда кенг тарғиб қилиш ва тақлифларни муҳокама этиш вазифалари юкланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпибоева иштирок этди.

Алишер РАҲМАТОВ

Ўзбекистон истиқлол йилларида давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонвий, ҳаракатчан, ҳар томонлама пухта қуролланган армияни ташкил этиш ишларини тизимли ва босқичма-босқич амалга оширмоқда.

МУДОФАА ДОКТРИНАСИ:

ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Энг муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизда ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори мавжуд. Хусусан, Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Қучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверените-

тини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи экани ҳам алоҳида акс эттирилган.

Ҳамкасбимизни қўлайимиз!

Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб аънаваний "Олтин қалам" XIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, мазкур танловда ғолиб бўлганлар қаторида бугунги вилоятимиз матбуотининг кўзга кўринган вакилларида бири, ёш, изланувчан журналист Беҳзод Қобулов ҳам бор. Беҳзод мазкур танловда махсус номинация бўйича "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини ёритган энг яхши журналист, деб эътироф этилди.

Ҳозирда "Оҳангарон ҳаёти" газетасига муҳаррирлик қилаётган Беҳзод Қобулов айни бир пайтда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг Оҳангарон воҳасидаги махсус муҳбири ҳисобланади. Жамоамиз аъзосини бу юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз.



Мактабгача таълим

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳада катта ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

УМИДАНИНГ УМИДЛАРИ КАТТА

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида унинг дастлабки самараларини кўриш ва кузатиш мумкин. Яқинда Қиёрай тумани марказида яна бир хусусий мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

Бир неча йиллар мобайнида бу соҳада ишлаган Умида Мираҳмедованинг сай-ҳаракати билан ташкил этилган мактабгача таълим муассасасида эндиликда 50 нафар бола тарбияланади. Уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар яратилган. Тарбияланувчилар рус, инглиз ва бошқа хорижий тиллардан ҳам дастлабки саводни чиқаради, санъат тўғрисидаги мусиқа ва рақсдан сабоқ олишади.

– Фаолиятимизни мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга суянган ҳолда ташкил этишни мақсад қилганмиз, – дейди муассаса раҳбари У. Мираҳмедова. – Чунки, болага ёшлиқдан сингдирилган тарбия, сабоқ ва билим унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб беришда, шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, мактабгача таълим муассасалари бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Юлдузхон
ФАЗИЛДИНОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини, уларнинг фаолияти тартибини белгилловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва говлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг қўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаётган.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни таъминлашга қаратилган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг таъминловчи ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қўлай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан, муқобил маърузалар тайёрлашнинг ташкил этиш; фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илгор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштириладиган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан амаллаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг

топширигига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштириладиган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топширигига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ҳақида уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилиш ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишнинг давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулк объектлари негизда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошира-

ётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундровларни қайта қўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органини белгиланган ҳолда, Гуманитар ёрдам юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта қўриб чиқсин ва унинг янги тахририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (қўнгилчилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қатъта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топширилаётган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р. Р. Иноятнов ва Р. Т. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 май

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишнинг раиси Ғофуржон Муҳамедов бошқарди.

Аввал хабар қилингандек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2018 йил 25 апрелдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 27 май – якшанба кунини Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 27-"Келес", 29-"Ўнқўрғон" сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга депутат сайлови ўтказилади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари ту-

зилди ва уларнинг таркиблири тасдиқланди.

Мазкур маълумотлар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқил-

ди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ, қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси;
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси;
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига
сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ
БЎШАБ ҚОЛГАН 27-"КЕЛЕС" ВА 29-"ЎНҚЎРҒОН"
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига мувофиқ, вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-"Келес" ва 29-"Ўнқўрғон" сайлов округлари қуйидаги тартибда тузилсин:

27-"Келес" сайлов округи

Маркази: – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси

Худудий чегараси: Тошкент туманининг бир қисми. Келес шаҳри, Кўктеррак, Чувалачи ҳудудлари.

Сайловчилар сони – 40 784 нафар

Сайлов участкалари сони – 14 та

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига
сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ
БЎШАБ ҚОЛГАН 27-"КЕЛЕС" ВА 29-"ЎНҚЎРҒОН" САЙЛОВ
ОКРУГЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУТ
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12-моддаларига мувофиқ, вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-"Келес" ва 29-"Ўнқўрғон" сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги тартибда тузилсин:

27-"Келес" округ сайлов

комиссияси

Комиссия раиси: Абдуллаев Каҳар – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири

Комиссия раисининг ўринбосари:

Содиқова Дилдора – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими врач ёрдамчиси

Комиссия котиби:

Хайтова Санталат Абдурасуловна – Тошкент тумани, Келес шаҳри, "Уч сада" МФЙ котибаси

Комиссия аъзолари:

Нигматуллаева Нигора – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дезинфектори

Имамова Шахноза Раҳимжановна – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач эпидемиолог ёрдамчиси

Махкамова Умида Ташпулатовна – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач ёрдамчиси

Эргашев Дилшод – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази зарарсизлантириш бўлими мудири

Округ сайлов комиссияси ман-

зили – Тошкент тумани, Келес шаҳри,

"Уч сада" маҳалла фуқаролар йиғини, Бирдамлик кўчаси, 31-уй. Телефон: (0370)-96-50-253.

29-"Ўнқўрғон" округ сайлов

комиссияси

Комиссия раиси:

Арипов Турғун Камиллович – Қибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоғи ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи

Комиссия раисининг ўринбосари:

Ақромходжаев Юсуфхўжа – Қибрай тумани, "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Комиссия котиби:

Баратова Нигора Хамидуллаевна – Қибрай тумани, "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби

Комиссия аъзолари:

Абдуалибеков Авазбек Исматович – Қибрай тумани, "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Юсупалиев Бахтиёр Раҳматович – Қибрай тумани, "Ўнқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Асомов Бахтиёр Адхам ўғли – Қибрай тумани, 30-мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Исмолова Ирода Ботировна – Қибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоқ оилавий поликлиника ҳамшираси

Абидулина Алия Азатовна – Қибрай тумани, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби

Утанбоев Дилмурод Ботирович – Қибрай тумани, Бобур номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Округ сайлов комиссияси манзили – Қибрай тумани, "Ўнқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини, Охунбоев кўчаси, 100-уй. Телефон: (0371)-150-13-74.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Ф. МУҲАМЕДОВ

Нурафшон шаҳри,
2018 йил 2 май

Биргина ўтган 2017 йил давомида вилоятимизнинг Бўстонлиқ, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Пискент, Паркент туманлари ва Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда, "Мурувват" ва "Саховат" уйлари, тўртта ҳарбий қисмда тиббий кўрик ўтказилди.

Жами текширилган 28 минг 547 аҳолининг 13 минг 641 нафари аёллар, улардан 9 минг 777 нафари туғиш ёшида, 3 минг 864 нафари кексалар, шунингдек, ўсмирлар, йигит-қизлар... Уларнинг 20 минг 821 нафарига, жумладан, 11 минг 655 аёлга турли шароитларда даволаниш тавсия этилди ва даволанишлари учун имконият яратилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилди. Тадбирларда "Бўлажақ келин-кўевларга", "Ёш ота-оналарга", "Она сутининг аҳамияти", "Камқонлик ҳақида нимани биласиз?", "Она ва бола скрининги", "Қариндошга қуда бўлманг", "Соғлом турмуш тамойиллари", "Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

ЯХШИЛИК ДУНЁНИ АСРАЙДИ

Хайрия фондимиз низоом асосида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий фуқаролар, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг хайрия эҳсонларини жалб этиб, уларни эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож фуқароларга йўналтириш орқали меҳр-мурувват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, шу кунгача, вилоятимизнинг 118 нафар аҳолисига ногиронлик аравачаси, шунингдек, юриш мосламаси ва бошқа зарур асбоблар берилди. 79 нафар туғма юрак хасталиги, 8 та юқори лаб ва танглайда нуқсонли бўлганлар рўйхатга олиниб, навбати билан соғломлаштирилмоқда, жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

Улардан туғма юрак нуқсонли бўлган боланинг Ҳиндистоннинг "Артемис" клиникасида шифо топгани, 3 нафар оёқ ва бўйнида ортопедик касаллиги бор боланинг бепул жарроҳлик йўли билан даволангани, 14 нафар туғма юрак нуқсонли ўсмирга оксигенатор аппарати бепул берилганини таъкидлаш жоиз.

Мутахассиснинг фикрларини давом эттириб, айтиш мумкинки, табиатан оққўнғил халқимиз ҳеч бир яхшиликни эътиборсиз қолдирмайди, миннатдорлик изҳор этишдан чарчамайди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамоат фондига тез-тез келиб турадиган самимий дил изҳорларига тўла мактублар шундан далолат:

– Фарзандим Диёрбек Нуриддинов туғма юрак хасталиги туфайли уч йил жуда қийналди, – дейди олмалиқлик Севара Душабоева. – Болажонимни операция қилдириш учун маблағ тополмадик. Аммо, яхши одамларнинг, хусусан, "Соғлом авлод учун" хайрия фондининг ёрдами билан ўғлим Кореяда даволаниб келди. Бундай саховатни умримнинг охиригача унутмайман.

– Қизим Дурдонанинг тўшакка михланиб қолгани дарди дунёимни зимистон қилган эди, – дейди Дилноза Раҳмонова. – Уни кўтариб юришга қувватим ҳам етмай қолди. Аммо, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг ёрдами билан ногиронлик аравачаси берилган, дилбандимнинг кўзларида қувонч аломатлари сезилди. Менинг ҳам кўнглим ёришди...

– Қизим Муслимаҳон беш ёшга қадам қўйди, – дейди олмалиқлик Нодир Тоғаев. – Бўйига қараб бир суяксам, дардини ўйлаб қуянардим. Яратганга шукрки, давоси топилди. "Соғлом авлод учун" хайрия фондининг ёрдами билан қизим яна соғлом ҳаётга қайтди...

– 2010 йили бахтсиз ҳодиса сабаб бармоқларимдан айрилганман, – дейди Сафарбек Мухуров. – Ўшанда менга "Соғлом авлод учун" хайрия фонди томонидан ёрдам кўрсатилиб, Германияга даволанишга йўлланма берилди. Ҳозир, бармоқларимга қайта жон киргандай... Онажонимнинг қувонч ёшлари мени ҳар қадамда аёло баҳоларга ўқиб, ишончини оқлашга ундайди. Чунки, мен уларнинг суянган тоғи, опаларимнинг ҳимоячиси бўлишим керак...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Бундан ташқари, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни ҳуқуқ таҳлил қилиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги ва "Ички ишлар органилари тўғрисида"ги каби тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

Албатта, соҳа ривожига амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок, Ўзбекистон ҳақли равишда дунёда энг кучли армияга эга давлатлар қаторидан жой олди. Хусусан, жаҳон мамлакатлари Қуролли Кучларини таҳлил қилиш билан шуғулланувчи globalfirepower.com сайти рейтингига мамлакатимиз армиясига мунтазам юқориламоқда ва эълон қилинган сўнгги рўйхатда Миллий армиямиз 130 дан зиёд мамлакат ичидан 39-поғонада қайд этилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг МДХ мамлакатлари орасида Россия ва Украина ҳарбий кучлари билан бирга кучли учликда ва Марказий Осиёда энг қудратли армия эканини англатади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 9 январида Ўзбекистон

Бошланғич 1-бета

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

Ноғиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик жамиятнинг инсонпарварлигини белгилайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя

Мамлакатимизда, вилоятимизда, қолаверса, Олмалиқ туманлараро ТМЭК (тиббий меҳнат экспертиза комиссияси) томонидан ноғиронлиги бор фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган бир қатор қонун ва қарорлар, жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Республикасининг янги тахрирдаги Мудофаа доктринаси қабул қилингани соҳа тараққиётида яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур таҳлил қилиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги ва "Ички ишлар органилари тўғрисида"ги каби тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

МУДОФАА ДОКТРИНАСИ: ҲАРБӢЙ САЛОҲИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



стратегияси дастуридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу доктринада мамлакатимизнинг ҳарбий қурилиши ва Қуролли Кучларни ривожлантириш масалалари бўйича асосий йўналиш ва замонавий ёндашувлар ўз аксини топган. Мудофаа доктринаси, шунингдек, хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа чет давлатлар билан самарали ҳарбий-сиёсий муносабатлар ва ҳамкорлик қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратди.

Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклик тамойилини, яқин қўшнлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мус-

таҳамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада ҳушудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги

говар қуролларни мукаммал эгаллашган йигитларимиз миллатнинг, юртнинг ифтихорига айланаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, армия – жамиятимизнинг ажралмас бир қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг қалбига, ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик

руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда. Бунда, энг аввало, ҳарбий хизматчилар учун яратиб берилаётган шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар ҳарбийларга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Жумладан, 2007-2015 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, 6 мингга яқин ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланган эди. 2016-2025 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг ижроси ҳарбий хизматчиларни 100 фоиз тураржой билан таъминлаш имконини беради.

Бугун юртимиз озодлигини мадҳ этиб, осмонимиз мусаффо, сарҳадларимиз дахлсиз эканини фахрли ифтихор билан тилга олаёلمиз. Лекин, мана шу шароитда хотиржамликка берилиб,

нинг тўлақонли аъзосига айлантириш, ҳар жихатдан кўмак бериш жуда муҳим. Шу боис, идоралараро ижтимоий-тиббий реабилитация тизими ташкил этилган. Таъкидлаш жоиз, бундай реабилитация инсон саломатлигини, йўқотилган меҳнат қобилиятини замонавий тиббий муолажалар орқали тўлиқ ёки қисман тиклаш, одамларга касб таълаш ва унга мослашиш имконини беради. Шунингдек, турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, ногиронлар бандлигини таъминлаш, иш жойларини уларга мослаштиришда, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тенг имкониятлар яратди.

Кўчи ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис, кўмакка муҳтож фуқаролар саломатлигини тиклаш, уларни касби, ўз меҳнат жамоаси, соғлом одамлар сафига қайтариш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Фурқат УСМОНОВ,
Олмалиқ шаҳридаги
77-хуудлараро тиббий меҳнат
экспертиза комиссияси раиси

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 5 май куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёлғизгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15 даража илқ, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилотида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёлғизгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18 даража илқ, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли хуудларидида ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража илқ бўлади.

тижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичидида сотеуци билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Юнусобод филиалидаги х/р: 20208000900757166001, МФО 00823, ИНН 304802952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мировбод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (+99871) 236-25-53.

www.capitaltrust.uz

Лицензия RR - 0298.

"STOLICHNIY KREDIT" МЧЖнинг 2017 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)						
№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	18028,8	17179,5	Устав капитал	500000	530000
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,0		Қўшилган капитал	0,0	
3	Капитал қўйилмалар	0,0		Резерв капитал	75000	76179,6
4	Товар-моддий захиралари	2676,0	4772,8	Тақсимланмаган фойда	241862,6	225580,1
5	Дебиторлар	57645,6	102798,7	Мақсадли тушум ва фондлар	0,0	
6	Пул маблағлари	11201,2	26499,9	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,0	
7	Қисқа муддатли инвестициялар	734310,0	683830,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0,0	
8				Жорий мажбуриятлар	6999	3321,2
	Жами, активлар	823861,6	835080,9	Жами, пассив	823861,6	835080,9

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)			
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат	
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	983765,2		
Сотилган махсулотлар таннарихи			
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	983765,2		
Давр харажатлари, жами		177654,0	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	267860,9		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1073972,1		
Фондлар шаклидаги харажатлар		0,0	
Даромад солиғи тўлағунга қадар фойда	1073972,1		
Даромад (фойда) солиқ		80947,9	
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар		79441,9	
Ҳисобот даврида корхона икитирида қоладиган соф фойда (зарар)	913582,3		

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари шаклидаги "ODIL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" МЧЖнинг 2017 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)						
№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	169700,6	88383	Устав капитал	350000,0	1263500
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0	0	Қўшилган капитал	50552,5	30592
3	Капитал қўйилмалар	0,0	0,0	Резерв капитал	0,0	0
4	Товар-моддий захиралари	0	6214,2	Тақсимланмаган фойда	-71254,3	78724,0
5	Дебиторлар	7091,9	53713,2	Мақсадли тушум ва фондлар	0,0	0,0
6	Пул маблағлари	96191,2	8905	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қисқа муддатли инвестициялар	55667,8	1813079,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар		595590,0
8	Жорий активлар	646,7	13654,2	Жорий мажбуриятлар		15542,6
	Жами, активлар	329298,2	1983948,6	Жами, пассив	329298,2	1983948,6

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)			
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат	
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	290719,0		
Сотилган махсулотлар таннарихи			
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	290719,0		
Давр харажатлари, жами		122555,3	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	4956,1		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	173119,8		
Фондлар шаклидаги харажатлар		5355,3	
Даромад солиғи тўлағунга қадар фойда	167764,5		
Даромад (фойда) солиқ			
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар		15349,3	
Ҳисобот даврида корхона икитирида қоладиган соф фойда (зарар)	152415,2		

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари шаклидаги "ODIL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Ростми, ёлгонми бизга қоронғу. Аммо, одамлар орасида шундай гап юрди. "Шахидлар майдони"да аҳён-аҳёнда чин-қирик, йиғи каби турли овозлар эшитиларкан.

Бўлиши мумкин. Ахир, бу ерда аждодларимиз юртимиз озодлиги, эркинлиги йўлида азиз жонларидан кечган, мустабиб тузумдаги оммавий қатагонларда қурбон бўлганлар... Француз олими Лайнус Полинг ўзининг "Ҳеч қандай уруш бўлмасин" номли асарида ер юзиде 5,5 минг йил давомида

14 минг 500 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер кўррасида яшаётган одамлар миқдорига тенгдир", деб ёзган эди.

Ҳа, у ўз номи билан уруш. Қотилликлар, портлаш, ёнғин, оналар фарёди, болаларнинг мунгли йиғиси... Очиқ, талон-чилик, зўравонлик... Инсонийлик шаъни, одавийлик қадр-қимматининг топтилиши...

1937-1938-йиллар тарихимизга жуда муҳим воқеалар билан муҳланган. Бу йилларда юртимиз минглаб ватанпарвар, маърифатпарвар, зиёли ўғлонларидан айрилганини яхши биламиз. Маълумотларга кўра, 1937 йилнинг 10 августидан 1 январигача Ўзбекистонда 10 минг 700 киши қамоққа олинган. Шундан 3 минг

1930 йилнинг ёзида Хонобод, Кўшқўрғон, Қўйлик, Оқ уй қишлоқларидан ўзига тўқ, ишбилармон деҳқонлардан 100 нафарга яқини қулоқ сифатида Украинага сургун қилинди. Уларнинг уй-жойлари, мол-мулки, ерлари мусодара қилиниб, қолхоз ихтиёрига берилди. Қулоқ қилинган хўжаликлар орасида бизнинг

этиш учун қариндошларига бериб юборишди. Етарли одам тўплангач, ҳаммамизни Тошкент темир йўли юк-товар бекатига ҳайдаб бориб, ҳар ўн оилани биттадан қизил вагонга жойлаштиришди. ...Одамларнинг овқатланиши ҳам, ҳолати ҳам қизил вагон ичида эди. Бу ахволдан, айниқса, аёллар кўп жафо чекиш

яшади, дейсизми? Йўқ, омон қолганларнинг ҳам кўрганлари етимхона, кейин эса уруш бўлди. Қибрайлик Исроиҳ Юнусжонов ҳикояси:

– Оиламизни Украинага сургун қилишганда икки яшар эканман. Оиламиз беш жондан иборат эди. Украинада Скадовск туманининг 1-пахтачилик совхози

дарё бўйида қад кўтарган, снаряд ва бомбалар вайрон қилган похол томли кулба ортидан қўлида автомат тутган, шотидай узун икки немис аскари чиқиб, у томонга кела бошлади.

– "Шльос хенде хо!" – деди фашистлардан бири блиндаж ёнида қаққайганча хўмрайиб турган ёқавайрон, ҳамма ёғи тупроқ ва терга беланган аскарга.

– Ватан учун! – деб ҳайқирди Зиямат қўлидаги гранаталардан бирини душманга иргатаркан...

Яхшиямки хотира бор. У одамнинг вафотидан кейин ҳам бу дунёда эсга олиниши учун имкон беради. Бугунги тинч, осойишта ҳаётнинг қадрига етган халқгина – урушни, унинг қаҳрамонларини, галабага муносиб хисса қўшган аждодларини унутмайди.

Зеро, барчамиз тарихдаги энг дахшатли, қонли қирғинбартга қўқсини кериб чиққан мардлар, мусаффо осмонимиз учун жон бериб, уруш майдонларидан қайтмаган ватандошларимиз олдида беш эгамиз.

Уша пайтда Ўзбекистонда 6,5 миллион одам яшаган бўлса, 1 миллион 433 минг 230 нафари урушда қатнашган. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз ногирон бўлиб қайтган, 450 мингдан ортиғи эса жангларда ҳалок бўлган.

Вақт ўтади, замонлар ўзгаради. Аммо, эл-юрт тинчлиги, миллат бардавонлиги учун ўзини қурбон қилганлар хотирамизда абади яшайди. Вақт ўтган сайин уларнинг матонати, мардлиги ва жасоратининг қадри ва аҳамияти охиригача бераверади.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири



«УРУШ ТУГАДИ, БОЛАМ...»

Нобель мукофоти лауреати, беларусь адабиёти Светлана Алексиевичнинг "Урушнинг аёлидан йироқ чехраси" номли асарида бир эпизод бор. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган собиқ аскар ўз уйида, хотиржам ухлаб ётган палла. Шу вақт кўчадан қишлоқ хўжалиги техникаси ўтиб қолади. Ер зириллайди.

Собиқ жангчи ўрнидан туйқус туриб, бақира бошлади: "Ҳамма беркинсин!.. Манзарани кузатиб турган шўрлик онаизор боласини қучоқлаб йиғлаганча, пичирлаб айтиди: "Уруш тугади, болам. Бироқ, оромсиз кунларинг сўйлаб тугамасми?"

Ҳа, бугунги ёшларга эртаси каби туюладиган уруш дахшатлари аждодларимиз ҳаётида гоёт катта фожиали из қолдирган. Инсониятнинг фашизм балосидан озод қилиш йўлида қон кечи, душманга мардона боққан ўзбекистонлик аскарлар – музаффар авлод бугун ҳам орамизда, дориламон кунлар шукронасини қилганча, осойишта мамлакатнинг бахтли фуқароларига ўтган кунлар сабоғи, ҳикматини сўйлаб беришмоқда.

Шу кунларда вилоятимизда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига мамлакат йўлбошчисининг махсус совғалари, бир марталик пул мукофоти тантанали вазиятда топширилмоқда.

Олмалик шаҳрининг "Наврўз" маҳалласида 93 ёшли Абдукарим ота Маматқулов истиқомат қилади. Кун кеча унинг уйда бир гуруҳ фаоллар билан бирга вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов меҳмон бўлиб, самимий суҳбатлашди. Суҳбат аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг уруш қатнашчиси шахсан йўллаган мактуби ўқиб эшиттирилди. Сўнгра Абдукарим отага давлатимиз раҳбарининг махсус совғаси – олтин билан зарҳалланган соат тақдим этилди.

Шу куннинг ўзида вилоят ҳокими Охангарон тумани, Ангрэн шаҳри, Пискент ва бошқа ҳудудлардаги уруш фахрийлари хонадонига таширф буюриб, эсдалик совғаларини топширди.

Хусусан, Охангарон тумани, Қорахитой қишлоғида яшовчи Маҳкамбой ота Пулатов хонадонига бўлиб ўтган учрашув катта байрамга айланиб кетди. Эл-юрт меҳрини қозонган бу инсонни мазкур айём билан қутлагани давлат раҳбари номидан вилоят ҳокими келадигани ҳақидаги хабар бир зумда тарқалиб, қишлоқ одамлари ушбу хонадонда жамулжам бўлди. Маҳкамбой ота бугунги дориламон кунлар, эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Табдилларда уруш даврида машҳур бўлган куй-қўшиқлар, рақслар, сахна кўринишлари, шунингдек, сафдошларни ёдга солувчи ашулалар ижро этилди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Н. ИСМОИЛОВ олган сурат

УЗИЛГАН БИР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС

600 нафари отиб ўлдирилган, 7 минг 87 киши 8-10 йиллик муддатларга қамалган. Энг ёмони, уларга турли айблов ва тухматлар билан ҳукми қилган. Масалан, 1888 йилда ўша кезларда Чирчиқ тарафлардаги "Кас" деган қишлоқда туғилган Алихўжа Примбетов "Аҳоли орасида доимий равишда миш-мишлар таркатган, коммунистларни ёмонлаган", деган тухмат билан 1938 йил 14 февралда отишга ҳукми қилинган экан.

Шукр, бугун юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонланаётган айни кунларда Алиназар Эгамназаровнинг "Сургун" номли китобини чўқур ҳаяжон билан ўқидик. Китобдаги ҳужжатли қисса, очерк ва мақолалар киши этини жун-жиктиради. Худди, ўша даврлар шамолли келгандек кўрув босади. Китобни ўқирканмиз, Ватан, эл-юрт тинчлиги йўлида азоб-укубатларга чидаб, мардларча курашган ота-боболаримизни яна бир бор хотирладик.

Зангиота тумани, Хонобод қишлоғида уруш ва меҳнат фахрийси Раҳимжон Ёқубжонов ҳикояси:

оиламиз ҳам бор эди. 1930 йил 20 июль куни кечаси қишлоқ советининг вакиллари НКВД ходимлари ҳамроҳлигида кириб келиб, уйимизни тинтув қилишди ва ҳамма буюмни ҳовли ўртасига уюб, соқчи қўйиб кетишди. Дадамни эса ҳайдаб олиб кетиб, Тошкент қамоқхонасига тикишди.

1 август куни сургун қилинган оилаларга енгилгина кўрпа, ёстиқ, бир сидра уст-бош берилиб, уларни Қорасувдаги етимхона ҳовлисига тўпладилар.

...Тунда яна кўп оилалар келтирилди. Етимхона ҳовлиси одамга тўлиб кетди. Эртаси куни аёлларни болалари билан Туясаройдаги (ҳозирги Тошкент қорғоз комбинати ўрнида) омборхонага олиб бориб қаматдилар. Кўп ўтмай, соқчилар оталаримизни ҳам шу ерга олиб келишди. Ўша жойда ўн нафардан ортиқ чақалоқ очлик, иссиқ ва ташналикдан вафот этди. Оналари жасадларни кўзларида ёш билан оқ доқа рўмолга ўраб, дафн

ди. Кун иссиқ, вагонлар қизиб кетарди. Иссиқдан лоҳас бўлган, оч қолган гўдаклар бирин-кетин ўла бошлади. Поезд разъездга келиб тўхтаганда, одамлар матога ўралган гўдак жасадини кўрсатиб, пастга тушишга рухсат сўрашарди. Рухсат теккач, эркаклар темир йўл яқинидаги кумни қўли билан қавлаб, гўдакни кўмиб, вагонга қайтишарди.

Аянчли тақдир. Яратганнинг қудрати билан жондан-жон яралса-ю, айрим кимсаларнинг хунрезликлари сабаб дунё билан танишишга ҳам улгурмай сахро, чўлларда ўлим топса.

Чиндан ҳам, бардошли, матонатли халқмиз. Ахир, ўша даврда омон қолган гўдаклар кулиб

IV бўлимидаги 1-базада яшаганмиз. Отам 1933 йилда вафот этган, онам уч фарзандни боқиб қийналган. Орзу опамни ўзлари билан олиб қолиб, Исмомил акам иккимизни болалар уйига топширганлар.

Жажжи болакай азоб-укубатга чидаб, хўрлик ва мусибатларни ичга ютиб, яхши кунлар орзусида яшайди. Бироқ, энг гуллаган ёшлик чоғида уруш бошланади.

Аждодларимиз мана шундай қисматнинг азобли кунларига нафақат чидашган, балки озодлик, хўрлик учун аёвсиз курашганлар. Буни "Сургун"даги қаҳрамон Зиямат мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

...Блиндаждан чап томонда,

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат бўлиб юрган муҳтарам фахрийларимизга таъзим қиламиз. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



СИЗГА ЭЪЗОЗ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Айни кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Улардан бири Нурафшонда бўлиб ўтди.



Шаҳар ҳокими бошчилигида бир қатор мутасаддилар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Алим Умаров, Ражаб Маждов, Раҳимбой Илёсов ва Нуриддин Исоқовларнинг хонадонига бўлишди.

– Давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган меҳр, эъзоз ва эътибордан шодмиз, – дейди Алим ота Умаров. – Бугун мутасадди ва ёшлар вақт ажратиб, мени кўргани келибди. Бундан жуда хурсанд бўлдим, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ҳозирги дориламон кунларда яшаётганимиз учун Яратганга шукр қиламан. Осмонимиз мусаффо, юртимиз доимо тинч бўлсин!

Табдир давомида маданият бўлими ходимлари ва 12-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган дастур барчага хуш кайфият улашди.

З. ҚАМБАРОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

БИР АСР ҲИКМАТИ

Бошқалим 1-фетра

– Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, – дейди уруш ва меҳнат фахрийси Зубайдулла Тошматов. – Уруш йилларининг қийинчиликлари ни эслаганимизда, бугунги тинч-осойишта ва фаровон ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шукроналар айтаман. Ёшлар билан бўлган учрашувларда ўтмиш хотираларим, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дориламон кунларининг қадрига етишни, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ни насабат қиламан.

Шу кун ҳамматчилик вакиллари томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президентимизнинг қимматбаҳо совғаси ва пул мукофоти ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан тайёрланган тухфалар тантанали равишда топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

ОҚУ ҚОРАНИ ТАНИЁТГАН БОЛАЛАР



кентдан келган тўрт ёшли Улғубек Рустамовнинг салоҳияти ҳам мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

12 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар мусобақасида янгийўллик Абдурахмон Йўлдошев ҳамда Раёно Юсу

пова энг кўп очко жамғариб, ғолиб бўлди.

"А" гуруҳида 12 ёшдан 70 ёшгача бўлган шахматчилар ўзаро мусобақалашди. Унда қибрайлик Хамидулла Султонов зафар қучди. Фахрий шахматчилар ўртасида Бўстонликдан келган 67 ёшли Рискимбек Ахмедов энг кўп балл жамғаришга муваффақ бўлди.

– Шахмат инсоннинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутди ва уни бежизга "ақл гимнастикаси", деб таърифлашмайди, – дейди вилоят шахмат федерация-

си ижрочи директори Рискимбек Ахмедов. – Ушбу спорт тури бугунги кунда чекка-чекка қишлоқларга ҳам кириб бормоқда. Бу йилги мусобақалар тақвимида жой олган мазкур турнирни ташкиллаштиришда бизга қибрайлик табдиркор Ёқубжон Икромов яқиндан ёрдам берди. Вилоятимиз мамлакатимизда шахмат гроссмейстерларини тарбиялаш бўйича етакчилардан ҳисобланади. Мусобақа иштирокчилари орасидан ҳам оқори савияли спорт усталари етишиб чиқишига ишонамиз.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 270 нусхада
чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул тоғиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таърифи кўпматли марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru; th-tr@mail.ru Буюртма V-1558. Баҳоли келишилган нарҳда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбав ижодий уйи бошмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.40.